

**Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
2-курс “Тасвирий санъат тарихи ва
назарияси” мутахассислиги магистранти
Зилолахон Асқарова**

“Ўзбекистон тасвирий санъатида аёллар сиймоси”

**“Биз дунё гўзаллигини, ҳаёт
фалсафасини ва маъно мазмунини
авваламбор аёл сиймосида, унинг
фидой қалб, вафо ва садоқатида
кўрамиз, хис этамиз”.**

Ислон Каримов.

Аёл – авлоднинг паноҳи, шажаранинг пайванд халқасидир.

Аёлни эъзлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир.

Истиқлолга эришган Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

1999 йилнинг мамлакатимизда "Аёллар йили" деб эълон қилиниши улкан ишларнинг амалий-мантқиқ давомидир. Негаки, аёл-она, у бир халқни дунёга келтиради, тарбиялайди. Халқнинг улугғ миллат бўлиб оёққа туриши биринчи галда оналарнинг маънавияти, маданияти ва саломатлиги билан боғлиқ.

Республикаимизда аёлларимизга қаратилган бундай диққат ва эътибор бежиз эмас, албатта Президентимиз И.А.Каримов фикрича: “Худонинг марҳамати билан оилани оила қилган зот – бу Аёлдир.

Оилани ҳам жамиятимизни ҳам бирлашиб, унга файзу-барокат киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик шуури билан бир

қаторда аёлларга мунаввар қилган зотлар аслида муътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир».¹

Узоқ тарихимизда ўзбек аёллари орасидан буюк инсонлар етишиб чиқди. Уларнинг ҳар бири ўзларининг юксак камолоти, салоҳияти истеъдоди, ва эркин инсоний фазилатлари билан халқимиз обрў-эътиборини юксалтирди. Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебунисо, Нодира, Увайсий, Анбар Отин ва бошқа аёлларимизнинг эркин сиймолари порлоқ юлдузлардек абадиятга нур сочиб тураверади.²

Ҳар бир соҳада ўз ўрнига эга бўлган аёлларимиз санъатнинг барча турларида ҳам ўзларининг маҳоратини, латофатини, гўзаллигини, ибоси ва назокатини намоён этганлар ва намоён этиб келмоқдалар. Шоирларимизнинг қўлларига қалам олишлари ҳам, бастакорларимизнинг куй басталашларига ҳам, кўшиқчиларимизнинг кўшиқ айтишларига ҳам, энг асосийси рассомларимизнинг қўлларига мўйқалам олишларига асосий сабабчилар бу – аёллардир. Барча соҳада алдаш мумкин фақат санъатда эмас дейди доноларимиз. Санъатнинг энг қийин турларидан бўлмиш рассомлик санъатида мўйқалам юргизиб ўзбек аёллари тимсолини яратган буюк мусаввирларимиз талайгина. Улардан Р.Аҳмедов, Ч.Аҳмаров, А.Нур, Б.Жалолов, А.Мирзаев, С.Абдуллаев, С.Раҳметов, А.Иқромжонов, Л. Ибрагимов, Ж.Усмонов, Ғ.Қодиров, Н.Имомов, М.Исанов ва бошқалар.

Аёллар сиймосини яратган рассомлар ҳақида сўз юритганда ўзбек тасвирий санъатининг буюк намоёндаси, Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академиянинг ҳақиқий аъзоси, Раҳим Аҳмедов ижодини биринчилар қаторида таъкидлаш мумкин.

Раҳим Аҳмедовнинг серқирра, сермазмун ижоди – баркамол, нафис тасвирий санъат асарлари мавжуд борлиқни акс эттиради.

Мусаввир доимо табиатдан ва ҳаётдан илҳомланган. Тасвирий санъатнинг бир қатор жанрларида ижод этиб ўз мактабини яратган. Биз санъаткорни

¹ Каримов И.А. Аёлга эҳтиром. Т.: “Маънавият”.- 1999 йил.- 58-бет

² Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни. Т.: “Маънавият”.-2004. 7-бет

хотирлаб, унинг ижодида бетакрор шарқ аёллари сиймосини талқин қилувчи асарларга мурожаат этамиз. Умри давомида рассом ўзбек аёли образини яратган. Дунёда аёллар – гўзлик, эзгулик, яхшилик, оқибат, муҳаббат устунидир.

Санъаткор психолог тадқиқотчи сифатида биргина аёлларнинг рухий дунёсида содир бўлган рухий ўзгаришларни ёритибгина қолмай, балки ташқи қиёфасини такрорланмаслигини маҳорат-ла очиб берган. Бундай хусусиятлар унинг тўлақонли санъати билан боғлиқ асарларида мужассамланган. Тасвирий санъатда ўз рангли оламини янги жиловлар билан бойитиб борган.

Илк портретларида “Ғазал оғушида” (1966), психологизмга тўла “Она ўйлари” (1956), поэтик оҳангдаги “Тонг. Оналик” (1962), мунгли “Қўшиқ” (1964) асарларидан то “Депутат аёл”(1962), “Сурхондарёлик аёл” (1962) картиналари томошабин кўз олдида замондош аёллар қиёфасини гавдалантиради. Уларда қариялар ва ёшлар, шаҳарликлар ва дехқонлар, талаба-ёшлар ва давлат арбобларининг симосини кўрамыз. Тасвирланган ҳар бир образ орқали аниқ, тугал характернинг кўрсатилиши унинг асарларига ҳаётийлик бахш этган. Аёлларга бўлган беқиёс ҳурмат, унинг қадр-қиммати жонажон ўлканинг гўзал, сўлим табиати билан мутаносибликда мадҳ этилган.³

Раҳим Аҳмедовни кўпинча оналар рассоми сифатида тилга олишади. Дарҳақиқат, она сиймоси азал-азалдан сўз ва бўёқларда тасвирланиб, кўкларга кўтарилган. Онанинг улуғ ва мўътабар, меҳрибон зот эканлиги она тасвиридаги образларда муҳрланган.

Аёл – бу она, вафодор ёр ҳамда ижодкорларнинг илҳом манбаидир. Ўз асарларида севги ва муҳаббатни тараннум этган Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур шудай дейди:”Илоҳий ишқ, муҳаббатга мубтало бўлиб, севги

³ Мустаҳкам оила жамият таянчи“ Республика илмий амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент.: 2013 йил, 119 бет.

дарёсида сузиб, унинг висол деб аталмиш соҳилига қараб сузмоқ – менинг ижодимни асл моҳиятини ташкил этади.”⁴

Акмал Нур ҳам аёллар сиймосини яратишда биринчилар қаторида ижод қиладиган рассомлардан биридир. Унинг асарлари такрорланмас ва бебаҳо. Айниқса портретларида инсон ички дунёсининг очиқ бериш билан бир қаторда, уларнинг ўй-хаёлларини, онг остида ётган мураккаб туйғуларини ифодавий шакл ва рамзларда кўрсата олади. Рассомнинг “Илтижо” (1996), “Иссиқ нонлар” (2005), “Оқ маъсумалик” (1998), “Бокиралик” (1998), “Кўнгил фаришталари” (2005-06), “Тўлин ой” (2007), “Бухоролик келин” (2002) “Анор” (1999) ва бошқа кўплаб асарларини бунга мисол қилишимиз мумкин.

У асарларида шарқ фалсафаси ва назмининг умумий ғояларига таяниб пластик образларнинг янги дунёсини яратади. Яратган образларида ранглар жилосининг маънодорлиги ва бўёқлар мутаносиблигига алоҳида эътибор беради.

Акмал Нур композициялари Шарқда софлик ва бокираликни ифодаловчи оқ ранг асосига қурилган бўлиб, улардаги жамийки унсурлар “покликнинг” рамзий тимсолига айланади.⁵ Поклик эса аёлларга, оналарга хосдир. Рассом уларни пок софдил қилиб яратиш билан бир қаторда, ўзбек аёлларининг ибоси ва ҳаёсини зўр маҳорат билан ифода эта олган. Буни ижодкорнинг аёлларга бағишланган барча асарларида кўришимиз мумкин. Уларга разм солсак, портретлардаги барча аёл образларининг кўз ифодаси пастга қаратилган бўлиб, бу юқоридаги сўзимнинг исботидир.

Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий Академиясининг академиги Баҳодир Жалолов ҳам оила аъзолари ва қаламкаш дўстлари, умуман бадиий ижод аҳилининг турли кўриниш ва ҳолатлардаги қиёфаларини яратган. Унинг учун ниҳоятда қадрли бўлган бир қатор портретларида кўп қиррали мураккаб бўлган мавзулар орқали қаҳрамонлар

⁴ “Ижодимиз ҳақида гапирсак” биринчи жилд, Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент.:2009 йил, 54 бет.

⁵ Санъат журнали . Т.: “POLISPEKTR” , -2000 й, 29-бет.

шахсиятлари очиб берилган. Мисол қилиб, “Она” (1983) асарини оладиган бўлсак, расом ушбу асарда нуруний ўзбек аёлининг образини тасвирлаган. Б. Жалолов ушбу ишида дўстининг онаси тасвири орқали бутун ўзбек аёллари қиёфаси, маданияти, иффати, ибо ҳаёсини қандай бўлса, шундайлигича очиб беришга ҳаракат қилган ва бу ишни аъло даражада уддалай олганлиги кўринади.

Асар марказидаги нуруний аёл - она ташқи қиёфасига қарайдиган бўлсак, унинг юзидаги ажинлар кўзга ташланади, офтоб қорайтирган бироз доғли жойларида йиллар давомида қилинган меҳнат, чекилган захмат матонат, ўзбек аёлидаги меҳнаткашлик ўз ифодасини топишига ҳаракат қилинган. Б.Жалолов она кўзларида ўзгача бир меҳр, мурувват ва самимийлик туйғуларини очиб бера олганки бу мусаввирнинг узоқ йиллик малакавий маҳорати билан боғлиқ. Ўзбек онасини майин, сокин, иболи табассумида эса ўзбек аёлларининг асл қиёфаси - ҳаёсининг юксак даражадаги иникоси тасвирлаган.

Онанинг бошида ўралган оппоқ ҳарир рўмоли ва устидаги либосида ҳам оқ рўмолдек покиза, беғубор қалбини, кўнглини аслида қандай бўлса, шундайлигича очиб бермоқчи бўлган ва бунга эриша олган. Асарнинг орқа фонидо оқ ва малла ранглардан ўринли фойдаланилган. Бу эса она тасвирини эътибор марказига чиқаришга, айнан унга урғу беришга хизмат қилган. Ижодкорнинг бошқа ранглардан фойдаланмаслигининг асосий сабаби ҳам шунда.

Б.Жалоловнинг бу асари ўзбек аёллари, муштипар онасининг маданияти, ибо ҳаёси, яшаш тарзини ва меҳр-муруввати қаторида бутун ички ва ташқи синоатларини дунё халқларига кўрсатиб, очиб бера олган миллий йўналишдаги буюк ва нодир асарлар қаторига киритиш мумкин. Бу асарни кузата туриб, мусаввир ҳаётнинг ҳар бир синоатларига, ҳолатларига нисбатан синчков, кузатувчан ва эътиборли бўлганлигига амин бўламиз.

Асарда она образининг ҳар бир қиррасини аниқ очишга ҳаракат қилинган. Пешонаси ясси, ажинлари аниқ кўриниб турибди. Қошлари қалин,

ковоқлари бироз осилгани ўтган йиллар, умрнинг изларидан дарак беради. Кўзлари катта-катта очилган, нигоҳлари тўғрига қараган, бироз маюслашган ҳолда чизилган. Бу хусусият ҳатто юзларида ҳам ифодаланган. Нигоҳини бир нуқтага қаратиб, ҳаёл сургандек кўриниши келажак ҳақида қайғураётгандай таассурот пайдо қилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзбек аёли сиймосини яратган рассомлар юртимизда талайгина. Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, меҳнатсеварлиги, табиати, вафодорлиги ва бошқа кўплаб ижобий ҳислатлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Ижодкорлар яратган асарлардаги аёллар сиймоси хилма-хил бўлсада, аммо уларнинг барчаси бир маънода яни, гўзаллик тимсоли сифатида ифодаланган.

Илмий ишлар бўйича проректор

Илмий раҳбар

Г.Қаршиева

с.ф.д. К.Б.Акилова